

---

**Маданият ва санъат ҳодимлари куни кўтаринки руҳда нишонланди.**  
Бугун тумандаги маданият ва истироҳат боғида 15 апрель – Маданият ва санъат ҳодимлари куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ўтказилган тадбирда соҳа ҳодимлари, узоқ йиллар маданият соҳасида самарали меҳнат қилган фаҳрийлар таклиф этилди.

Тадбирда сўзга чиққан туман ҳокими ўринбосари Мадийржон Туримов ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари туман маданият ва туризм бўлими ҳодимларининг маданият ва санъат соҳасига қўшаётган ҳиссалари ҳақида сўз юритдилар.

Ўтказилган тадбирда ижро этилган куй қўшиқлар йиғилганларга бирдек манзур бўлди.

2023-04-15 23:16:41